

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

20 22 йил «октябрь»
ШАРТНОМАСИ
07453 -сон

Коллектор
Т(Ш)ЭТК номи

КЕҢГЕ АИС Сомонкал рэкс
(туман/шашар) электр таъминоти корхонасининг номи)

босида фаолият юритувчи раҳбари

u. Baßentisch

У. РАХМАТОВ

(кейинги ўринларда «Корхона»

деб аталади) бир томондан

асосида фаолият юритувчи

QANLIKOL YUMANI XALO TALIMI BULMI
(истеъмолчининг номи)

(истеъ молчининг номи)

раҳбари М. Ҳафизов (истеъмоли раҳбарининг Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),

(истеъмолчи раъбарининг Ф И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида тўздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Қорхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

Актив	кВт.с. реактив	кВар.с.
900	—	

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи
405000,0
сўмни тариф бўйича

тариф турғи: табақалаштирилган, бир ставкани ёки аҳолига тенглаштирилган, (керамиси ёзилган) ташкил этади.

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини воситалари олиш усулларини, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа хисобатлари истеъмолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсовидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнақилади, тўлиқбалагани ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали, ўснб борувчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларин суўта вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалда оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВт гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шақллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатилган рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар бойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугатилган сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг ишгарикисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «1» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисоботда бойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда бойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи бойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг асос тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегиниш тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат қорхоналари ва устав капиталлидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шақллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисоб-варағ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВт ва ундан юқори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда ҳами олинган электр ҳажмининг тегиниш пайтларига тўлов ҳажми ёзиш учун қўшиб борилади. (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик брoлли истеъмолчилар тўловлари).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойлдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи миқдорда, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб берилган қорхоналар учун эса 0,2 фойз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тетишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашуш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилганда, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улутшга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилдиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий таъбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдирлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақдир мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида рияз этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига рияз қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилнаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини қўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилдиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичдан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узиштишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар натижасида «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағавил жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юрйтиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган тақдирларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимида руюя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчирлишлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги таърифлар учун «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияни учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қардорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулодда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 XII гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхала тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш натижасида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

махсулот берилишини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технология; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик таҳлил қилиш, электр энергиясининг тақсимоти, тақил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самаралорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш зарурятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланётган прогност хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёриларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) берилишига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳукукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилиши талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплаш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАГа уланган ёки электр энергиясига олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдидан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчилиikka мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзга келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланси бўйича мансублик бўлиниш четарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутлаётган узилишлар натижасида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари натижасида хабардор қилиш;

қиритилмаётган чеклашлар натижасида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНДАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:	Компания тухени ХО
Юридик манзилли	Гарейски дие К-си
Хисобрақами	400288035218789618807506
Банк коди (МФО)	STIR (ИНН)

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун:
Бюджет фонднинг хисобчасами
23402 00030000000000

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201622919

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____

ҚҚС тұлғачининг коди _____

Телефонлар: _____ Факс: _____ e.mail: _____
(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилди)

Кадастр раками

Статистик кодлар:

IFUT (OKЭД) 85520

DBIBT (COOTY) 04423
03-28-18

MNOBT (COATO) 43520
200

(KΦC) 205 200

TSHK (KOLIF) 200

КРПХУА:
Коринтос 4: 18-20

Учредитель
Почта мангитли

Хисорақами
Банк қолы (МФӨ) STIR (ИИН)
20060907

Банк кодн (ТҮФО) _____

ККС тэловчининг коли _____

Телефонлар: 332 12 87 Факс:

Статистик кодлар

DBIBT (COOTV) ~~0103~~

MHOBT (COATO) 1235202

Истеъмолчи: Корхова

2000

11.04.2024

М.У., инго, лавозим, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХҮЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси

Узбекистон Республикасининг 2018 йил 12 январдан эълон қилинган қарори тасдиқланган бўлиб, ушбу қарорнинг қўл остида қолган ҳужжатларни қайтариб олишга ҳақсизлик билан қўйиб юборилган.

мондлик қилмади. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва «Ўхшашлик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунни таллаш

Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низосларни ҳал қилиш тارتби белгиланган ҳолда қўйилган. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қўйилган. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавоб беради.

ЮНИКОМ/ИЛС

горышкы, лив. (мизоси)

Электр таъминотининг шартномасига
1-илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи и таркада
2. Фаолият тури и таркада
3. «Истеъмолчи» электр курилмаларининг уланган куввати: кВА
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват 5 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича трифаси (пойиха бўйича) III
6. Ҳисоб-китоб тури: фуб таркада

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳаҷми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	0,9				
Февраль	0,3				
Март	0,3				
Апрель	0,3				
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойда _____ кун

Умумий юклагага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида

Истеъмолчи

Корхона

M. V.

(Имзо) Ф.И.И.И. сана)

M. V.

Museo Phil III. anal

а) Куввати _____ кВт бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг
 йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % реактив энергия йўқолишлари
 _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

Узуңлиги _____ М;
Кесим юзаси _____ мм;
Русуми _____

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____ ;

Энергияни хар ойда жами йўқотишлар ҳисоб давридаги энергия сарфининг фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг хар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва I-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Қорхонанинг электр тармоқлари ва уйлarning ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш усулларигача бўлган электр тармоқларидagi электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Истеъмолчи:

М. У. (ИМЗО)

Корхона:

M. Ÿ.



20 йил оғи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « » 20 йил.

[illegible]

Изох: $7_{устун} = 6_{устун} - 5_{устун}$, табаклаштирилган ҳисоб учун назорат раками $7_{устун} = 9_{устун} + 10_{устун} + 11_{устун} + 12_{устун} + 13_{устун}$, $8_{устун} = 7_{устун} + 4_{устун}$

Истеъмолчи раҳбари

M. ý.

Ф.И.Ш.ИМЗОСИ

Корхона энергетиги

Ф. И. Ш. ИМЗОСИ

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган таъминотлар устаниси вақтларини пўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	IV	
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қувват коэффициентининг оптимал микдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномаларига микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги микдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат микдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старича тўлдирилмаслиги ҳисобга қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўлаб-қуватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўлаб-қуватланган белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча масолағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблагни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соғларига реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соғларига энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг кичик юкламали соғларида энергия тизими Шартномасида кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Истеъмолчи қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.



Авариявий ва технологик бронни аниклаш бўйича
ДАҲЮЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____

_____ ишгирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки кичка муддатли қуваат танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкламасини технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қувавати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кириди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасига узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қувавати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклатиш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши заҳарла насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайдиган (ушбу агрегатлар заруратга қараб, олдидан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга қўйилиши мумкин).



Имзолар:

Истеъмолчи: _____

(Имзо)

М.Ҳ.

Корхона: _____

(Имзо)

М.Ҳ.

**QANLIKÓL RAYONÍ YURIDIKALÍQ XIZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN
YURIDIKALÍQ ÁHMÍYETKE ÍYE HÚJJETLERDÍN NIZAM
HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAGÍ HUQÍQÍY JUWMAG'Í**

№ DR41135507

2022-jil 19-yanvar

Qanlikól rayoni

1. **Joybar túri:** Shártnama.
2. **Joybar atámasi:** Qanlikól rayoni Xalıq bilimlendiriw bóliminiń “ KKAETK “AJ ortasındaǵı 071453-sanlı shártnaması.
3. **Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:**
Qanlikól rayoni Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen 2022-jıl 18-yanvar kúni kiritilgen.
4. Hújjet joybarı ámeldegi nızam talapları tiykarında islep shıǵılǵan shártnamanı dúziw maqsetke muwapıq.

Oray bashlıǵı



J.Otemisova